

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5120100 – 3.03

2016 йил “9” ой



ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА СТИЛИСТИКА ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100	- Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Исмоилов Ю.Н. - ЎзДЖТУ “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси
доценти, ф.ф.н.

Пан Г.В. - ЎзДЖТУ “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси
доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

Холияров Л.Т. - ЎзДЖТУ “Немис тили назарияси ва амалиёти” кафедраси
доценти, ф.ф.н.

Имяминова Ш.С. - ЎзМУ, “Немис филологияси” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4- сонли баённома).

КИРИШ

Ҳозирги замон лингвистикасида лексикология ва стилистика назарий ва амалий жиҳатдан ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур дастур Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги халқаро меъёрларини назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганиш бўйича Давлат таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Ўқув фанининг мақсади – талабаларни немис тили лексикологияси ва стилистикасининг тилдаги ўрни ва аҳамияти, луғат таркибининг бойиб бориш қонуниятлари тўғрисида, тилдаги стилистик жиҳатдан асосий тушунчалар ҳақида билимлар бўйича кўникма ва малака шакллантиришдан иборат.

Фаннинг асосий вазифаси – лексик ва стилистик маъноларнинг турлари, уларнинг парадигматик ва синтагматик жиҳатдан ифодаланиши, луғат таркибининг тарихий, ҳудудий, ижтимоий дифференциацияси, немис тили стилистикасининг фонетик, грамматик ва лексик воситалар ёрдамида акс этиши, тилнинг лексик ва стилистик қатламлари, стилистик бўёқлар ва жанрлар ҳақидаги билимлар мажмуасини таҳлил қилишга ўргатишдир.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Лексикология ва стилистика” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- лексикология ва стилистиканинг лингвистик фанлар ўртасида тутган ўрни, унинг моҳияти, объекти ва предметини;
- сўз, тушунча, маъно атамалари таърифини, сўз маънолари типологиясини, сўзнинг асосий маъноси билан қўшимча маънолар ўртасида боғлиқликни;
- немис тили луғат таркибининг бойиб бориш тенденциялари ва йўлларини;
- луғат таркибининг синонимлар, антонимлар ва омонимларда акс этувчи семантик жиҳатларини;
- ҳозирги замон немис тили луғат таркибининг ижтимоий - касбий, тарихий – ҳудудий фарқлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- немис тили лексикографиясига тегишли асосий луғатлар ва уларнинг турларини;
- стилистиканинг сўз ва матнда ифодаланиш воситаларини, фонетик, грамматик ва лексик тил бирликларининг стилистик услубларда қўлланилишини тушуниш ва таҳлил қила олиш ;
- асосий стилистик жанрлар ва бўёқларни бир-биридан фарқлай олишни *билиши керак*.

Булар билан бир қаторда:

- сўзнинг ўз ва кўчма маънода қўллай олиш;
- немис тилидаги сўзларга чет тилидан кириб келган ўзлашма сўзлардан синонимлар топа олиш;
- турли хил луғатлардан амалий фойдалана олиш;
- лексикология ва стилистикадан олган назарий билимларни тилнинг амалий курси фанларидаги мисоллар билан таҳлил қилиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Лексикология ва стилистика фани таълим тизимида ўта муҳим ҳисобланган узвийлик, услуксизлик, даврийлик тамойилларига асосланган. Узвийлик немис тили коммуникатив компетенциясининг ҳамма компонентларини шакллантиришда фаннинг ички тузилишида барча

қисмлар ўртасида фанлараро алоқани ҳисобга олиш орқали таъминланади. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги, ўқитиш жараёнида илк босқичдан бошлаб амалга оширилади. Лексикология ва стилистика фани бир томондан “Амалий ва назарий фонетика”, “Амалий ва назарий грамматика”, “Немис тили тарихи”, “Герман тилларига кириш” каби фанларга асосланса, унинг ўзи “Немис тили адабиёти”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Матн таҳлили” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Лексикология ва стилистика фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Айни пайтда у турли матнларни тўғри тушуниш, бадиий, публицистик ва турли соҳаларга оид матнларни немис тилидан ўзбек тилига таржималар қилиш, луғатлар тузиш ва дарслик ҳамда ўқув адабиётлари яратишда, шунингдек илмий лойиҳалар доирасида тадқиқотлар олиб боришда, немис забон кишилар билан мулоқот олиб бориш, немис тилида расмий ҳужжатлар устида ишлаш, дипломатик қабул, чет эл фирмалари билан шартномалар тузиш ва олиб бориш, хориж билан корреспонденция олиб бориш каби соҳаларда кенг қўлланилиши мумкин.

Хорижий тиларга ихтисослашган таълим йўналишлари бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида лексикология ва стилистика фани асосий ўрганилаётган (немис) тил умумқасбий фани билан ҳамоҳанг ҳолда, талаба-бакалаврларнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида, нашриёт ва таҳририятларда, меҳмонхона (сервиз), туризм ва илмий муассасалар каби қатор соҳаларда фаолият кўрсатишга ёрдам беради. Бу эса талабаларнинг касбий фаолиятида немис тилини амалий қўллаш малакасини ҳосил қилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг лексикология ва стилистика фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, дарсда янги информацион - педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма ва электрон материаллардан, хусусан электрон дарсликлардан ва интернет манбаларидан кенг фойдаланилади.

Ушбу фанни ўрганишда таълимнинг замонавий методларидан, хусусан электрон почта, чат каналлар ва виртуал ҳақиқийликни ўзида жамлаган интернетдан фойдаланиш лозим, яъни электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш бу каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришда катта самара беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Лексикология ва стилистика лингвистик фан сифатида. Унинг предмети ва вазифалари. Лексикология ва стилистиканинг илмий ва ўқув фани сифатидаги ўрни. Унинг бошқа фанлар қаторидаги ўрни ва улар билан алоқаси. Фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Лексикология ва стилистика бўйича асосий илмий қарашлар ва муаммолар. Стилистиканинг филология фанлари қаторидаги ўрни: стилистика ва риторика, стилистика ва адабиётшунослик, стилистика ва лингвистика, стилистика ва матншунослик, стилистика ва социолингвистика, стилистика ва когнитив тилшунослик, стилистика ва фонология.

Ҳозирги замон немис тилида сўз ва унинг маъноси

Сўз тилнинг луғат таркибидаги асосий бирлик ва лексикологияни ўрганишнинг предмети сифатида. Ҳозирги замон лингвистикасида сўз тавсифи. Ҳозирги замон немис тилида сўзнинг асосий белгилари. Анъанавий мантиқ ва тилшунослик нуқтаи назаридан сўз маъноси. Сўзнинг лексик маъноси ва унинг турлари. Сўзнинг семантик структураси. Полисемия - ҳозирги замон немис тилидаги типик ҳодиса сифатида.

Сўз яшаш ҳозирги замон немис тили луғат таркиби бойишининг асосий йўли сифатида

Сўз яшашнинг грамматикага муносабати. Сўз яшашнинг лексикология нуқтаи-назаридан моҳияти. Ҳозирги замон немис тилида сўз яшашнинг турли усуллари ва уларнинг маҳсулдорлиги. Ҳозирги замон немис тилида сўз бирикуви сўз яшашнинг маҳсулдор усули сифатида. Сўз бирикуви турлари, аниқловчили мураккаб сўзлар, бириктирувчи мураккаб сўзлар. Сўз яшаш ва унинг турлари аффиксал ва эксплицит сўз яшаш (суффиксация ва префиксация) ва аффиксларсиз сўз яшаш (трансформация ва конверсия). Мураккаб сўз яшаш усуллариининг ўзига хослиги. Қисқартмалар ва уларнинг турлари.

Сўз ўзлашуви

Чет тили лексикасини ўзлаштириш ҳозирги замон немис тили луғат таркибини ривожлантириш ва бойитишнинг йўлларида бири сифатида. Чет тилидан сўз ўзлаштиришнинг экстралингвистик ва лингвистик усуллари. Ҳозирги замон немис тилида чет тил ўзлашмалари қатламлари: лотин, юнон, француз, итальян, инглиз, рус ва бошқалар. Пуризм ва унинг немис тили ривожига таъсири. Denglish чет тил ўзлашмаларининг ҳозирги лингвистик адабиётлардаги таснифи.

Сўз маъноларининг ўзгариш

Сўз маънолари ўзгаришининг экстралингвистик ва лингвистик сабаблари. Сўз маънолари ўзгаришининг асосий типлари: маъно кенгайиши, торайиши, маъно кучайиши ва ҳ. Сўз маъноларини кўчишининг асосий типлари ва уларнинг ўзига хосликлари. Метафора ва метонимия. Метафорик ва метанимик маъно ўзгаришининг турли йўллари. Синестезия, синекдоха, эвфемизм, муболаға, гипербола, литота. Метафорик ва метанимик алоқалар мунтазам кўп маънолилиқ ифодаси сифатида. Сўзларда янги маъноларнинг ривожланиш йўллари.

Фразеология

Фразеология тушунчаси. Фразеология лексикологиянинг бир қисми сифатида. Эркин ва турғун сўз бирикмаларининг белгилари, улар орасидаги фарқлар. Немис тилида фразеологик бирикларни аниқлаш мезонлари. Тилшунослик фанида фразеологик бириклар таснифи муаммоси. Семантик тасниф, функционал тасниф, лексик-синтактик тасниф, структурал-семантик тасниф. Немис тилида фразеологизм типлари, уларнинг маъно характери турлари структураларнинг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўладиган компонентларнинг семантик алоқадорлиги (И. И. Чернышева таснифи бўйича). Фразеологик яхлитлик (бирлик) ва уларнинг турлари (идиомалар, жуфт бирикмалар, компаратив фразеологизмлар). Фразеологик бирикмалар. Фразеологик иборалар ва уларнинг турлари (мақол, матал, қанотли сўзлар). Нофразеологик типдаги бирикмалар тавсифи.

Луғат таркибининг семантик таҳлили

Синонимлар. Синонимларни белгилаш ва тасниф қилиш муаммолари. Идеографик, стилистик синонимлар, территориал худудий дублетлар. Немис тилидаги синонимларининг ўзига хосликлари. Синонимик гуруҳлар тавсифи. Синонимик таркибларни тўлдириш манбалари. Кўп маънолилиқ ва синонимия. Антонимлар. Қутбий муносабатлар. Қарама-қарши маъноли сўзларни анъанавий тушуниш. Қутбий муносабатлар таснифи. Омонимлар. Омонимияни аниқлаш. Омонимларнинг пайдо бўлиш сабаблари. Лексик, лексик-грамматик ва грамматик омонимия. Полисемия ва омонимияни чегаралаш мезонлари.

Луғат таркибининг ижтимоий-касбий дифференциацияси

Ҳозирги замон немис тили луғат таркибини ижтимоий ва касб-кор нуқтаи-назаридан қўлланилиш даражасига кўра фарқлар. Умуммуомала ва ижтимоий буёққа эга бўлган лексика, касб-кор лексикаси, илмий-техник терминология, жаргон ва унинг гуруҳлари, профессионал жаргонизмлар ва арголар. Ижтимоий буёқли лексиканинг турли қатламларининг ўзига хосликлари ва уларнинг тил умуммиллий лексикаси билан алоқадорлиги.

Ҳозирги замон немис тили луғат таркибининг худудий дифференциацияси

Немисларнинг халқ сифатида шаклланиши муносабати билан немис тилининг ривожиди. Маҳаллий диалектларнинг ягона миллий тил тарзида шаклланиши. Германияда миллий адабий тил ва худудий диалектлар. Диалектал лексиканинг ўзига хосликлари ва унинг немис адабий тили луғат таркибининг ривожига таъсири. Немис тилида тил вариантлари. Немис тилининг Германия, Австрия, Швейцария, Люксембург, Лихтенштейнга хос тил вариантлари.

Ҳозирги замон немис тили луғат таркибининг диахроник дифференциацияси

Ҳозирги замон немис тилида неологизм ва архаизмлар. Сўзларнинг эскириши сабаблари, неологизмларнинг пайдо бўлиши. Неологизмларни белгилаш (аниқлаш) муаммоси. Неологизмларнинг ўзига хослиги. Немис тилидаги архаизмларнинг асосий турлари. Историзмлар, семантик архаизмлар, фонетик, морфологик архаизмлар. Архаизмларни қўллашнинг ўзига хосликлари. Ҳозирги замон немис тилида 1990 йилда икки немис давлати бирлашгандан кейинги неологизм ва архаизм муаммолари.

Лексикография

Лексикография ва унинг вазифалари. Турли белгиларига кўра немис тили луғатлари таснифи: тарихий, ҳозирги замон, тўлиқ ва қисқа, умумий ва махсус луғатлар. Бир тилли ва икки тилли, кўп тилли луғатлар. Лингвистик луғатларнинг асосий турлари. Этимология ва тарихий луғатлар. Ҳозирги замон немис тилидаги сўз маъноларини очувчи луғатлар, изоҳли, таржима, терминологик, услубий, синонимик, фразеологик, тематик, диалектологик, чет тил сўзлари ва х. луғатлар. Сўзнинг товуш томони ва имлоси ҳақидаги маълумотларга эга луғатлар: фонетик ва имло луғатлар; Энциклопедик (қомусий), иллюстратив ва айрим соҳа луғатлари тавсифи.

Стилистика тушунчаси

Стил (услуб) – матн – тил тизими – маданият. Стил тушунчаси. Стил, матн ва маданиятнинг умумий тушунчалари. Стил матн ифодаси сифатида. Тил услуби ва функционал услуб. Таассурот ва ифодаланиш. Услубий мезонлар. Услубий қатламлар. Услубнинг турлари.

Услуг даражалари. Услубий соҳалар. Услубий бўёқдорлик. Услубий колорит. Тил услуги учун сўз танлашнинг аҳамияти. Тил майдони ва предмет майдони.

Луғат таркибининг услубий воситалари

Денотация ва коннотация. Сўзларнинг образлиги. Фразеологик воситалар услубий восита сифатида. Синонимиянинг стилистик жиҳатлари. Антонимиянинг стилистик жиҳатлари. Кўпмаънолилиқ (полисемия) ва омонимиянинг стилистик жиҳатлари. “Мода” сўзлар. Касбий лексика ва гуруҳ лексикаси. Ёшлар жаргони. Ижтимоий гуруҳлар лексикаси. Атамалар (терминлар). Шевага хос сўзлар (диалектизмлар) ва ҳудудий дублетлар. Тарихий сўзлар (историзмлар) ва қадимий сўзлар (архаизмлар). Анахронизмлар. Хорижий сўзлар ва халқаро сўзларнинг услубий жиҳатлари.

Сўз яшанинг услубий жиҳатлари

Бошланғич тушунчалар. Сўз яшаш механизмлари. Деривация (қўшимча билан сўз яшалиши). Композиция (сўз қўшилиши). Қисқартмалар (аббревиатуралар). Сўз яшалишининг ўзига хос турлари.

Фразеологик birlikларнинг услубий имкониятлари

Бошланғич тушунчалар. Фразеологизмларнинг муҳим белгилари. Фразеологик birlikларнинг услубий имкониятлари. Лексикализациянинг семантик белгилари. Жуфт сўзлар. Мақоллар ва сентенциялар.

Тил таркиби ифодаси

Тил образлари. Бошланғич тушунчалар. Образлилиқ тилнинг асосий тамойили сифатида. Қиёслаш ва троплар. Метафора. Жонлантириш. Аллегория (истиора) ва символ (рамз). Синестезия. Метонимия.

Услубий фигуралар. Бошланғич тушунчалар. Перифразалар. Эвфемизм. Муболаға (гипербола) ва литота (кичрайтириш). Киноя. Антитеза ва оксиморон. Сўз ўйини.

Стилистиканинг грамматик аспекти

Ибораларнинг услубий имкониятлари. Синтаксис. Содда гаплар. Тўлиқсиз гаплар. Тўлиқ гаплар. Кенгайтирилган гаплар. Боғланган қўшма гаплар. Эргаш гапли қўшма гаплар. Дарак гапларнинг услубий аҳамияти. Инкор гаплар. Буйруқ гаплар. Сўроқ гаплар. Бошқарувнинг ўзгариши. Замон шакллариининг ўзгариши. Замон шакллариининг услубий ўзига хослари. Презенс (ҳозирги замон). Перфект. Претеритум. Плюсquamперфект. Футур I ва Футур II.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Лексикология ва стилистика фани ва унинг тадқиқот методлари.
- Сўз маъноси ва унинг типологияси.
- Сўз яшаш ва сўз яшаш усуллари.
- Сўз ўзлашуви ва пуризм.
- Сўз маъносининг ўзгариши.
- Фразеология. Эркин ва турғун бирикмаларни фарқлаш усуллари
- Синоним, антоним ва омонимлар.
- Луғат таркибининг экстралингвистик дифференциацияси.

- Лексикография ва луғат яратиш услублари.
- Стилистиканинг экспрессив воситалари; тил материалларини стилистик усуллар орқали тиклаш.
- Стилистиканинг тилшунослик ва адабиётшунослик билан чамбарчас боғлиги.
- Стилистика ва матн таҳлили фани муаммолари.
- Лексик-фразеологик бирикмаларни ифодалаш воситалари ва стилистик усуллар.
- Фонетик ифодалаш воситалари ва стилистик усуллар.
- Стилистика ва матн таҳлили.
- Луғат таркибининг услубий воситалари. Бошланғич тушунчалар
- Услубий қатламлар, услуб даражалари. Услубий соҳалар. Услубий колорит
- Денотация ва коннотация. Сўзларнинг образлилиги
- Фразеологик бирликларнинг услубий имкониятлари
- Сўзнинг лексик маъноси ва унинг турлари.
- Сўз яшаш механизмлари. Деривация. Композиция. Қисқартмалар
- Луғат таркибининг семантик таҳлили
- Луғат таркибининг ижтимоий-касбий дифференциацияси
- Чет тилидан сўз ўзлаштиришнинг экстралингвистик ва лингвистик усуллари.
- Фразеологик иборалар ва уларнинг турлари (мақол, матал, қанотли сўзлар).
-

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, тақдимотлар ва кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, бадиий ва турли соҳалар бўйича таржималар қилиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фанлар бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши ўқув режада кўзда тутилмаган

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Талабага мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шаклларидан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;

- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотларининг тақдимотини уюштириш ;
- электрон дарслик ва масофавий таълимнинг бошқа хилларидан фойдаланиш.

Мустақил иш учун тавсия этиладиган мавзулар тегишли босқичдаги мавзуларнинг мантикий давоми бўлиб, талабанинг ташаббусига кўра эркинлаштирилиши мумкин. Ҳар бир босқичнинг ўзига хослигидан ва назарий фанлар хусусиятидан келиб чиқиб мустақил иш шаклан турли даражада ва хилма-хил бўлиши мумкин. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Тилнинг парадигматик ва синтагматик жиҳатлари. Луғат бойлиги парадигматик ҳодиса сифатида.
- Сўз маъноси ва унинг турлари. Асосий маъно, лексик ва коннотатив маъно.
- Немис тилида сўз яшашнинг энг сермахсул усуллари. Қўшма сўзлар ва аффиксация ёрдамида сўз яшаш.
- Аффиксациянинг лексикографик талқини.
- Ўзлашмалар ва уларнинг типологияси.
- Пуризм. Немис тили тарихида пуристтик анъаналар ва уларнинг номоёндалари.
- Ассимиляция ва унинг даражалари.
- Метаномия ва метафера қиёслашнинг ўзига хос тури сифатида.
- Фразеология. Таржимага мойил ва эквивалент талаб турғун сўз бирикмалари.
- Атамалар ва уларнинг лингвистик моҳияти
- Луғат таркибининг диахроник талқини. Архаизм ва неологизмларни диахроник нуқтаи назардан таҳлили.
- Луғатлар классификацияси. Ўзбекистон германистикасида луғатшунослик
- Стилистика фан сифатида
- Услуб-матн тил тизими
- Луғатнинг услубий воситалари
- Сўз танлаш услублари
- Сўз тузилишини услубий жиҳатлари
- Фразеологик бирикмаларнинг услубий имкониятлари
- Тилнинг тасвирий воситалари
- Услубий шакллар

Дастурнинг информацион – услубий таъминоти

Лексикология фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар, педагогик ва ахборот – коммуникация технологиялари кенг қўлланилади. Хусусан, савол –жавоб, муаммоли топшириқлар, гуруҳларга бўлиниб давра суҳбатлари олиб бориш, диспутлар ташкил қилиниши ва тақдимотлар ўтказилиши кўзда тутилади.

Асосий ўрганилаётган тил (назарий фанлар) фани бўйича амалий машғулотлар ўтказишда талаба ва ўқитувчи ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Талабанинг университет ёки олий таълим муассасаси ахборот ресурс маркази имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши, техник лабораторияда мавжуд аутентик матнлардан самарали ҳамда назарий материалларни жамлаган ҳолда хулосалар чиқариш малакаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс стади каби усул ва техникалар кенг қўлланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон, 2010.
2. Erms H. Stil und Stilistik. Eine Einführung. Berlin. Erich Schmidt, 2008.
3. Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. L.,1970.
4. Karl – Heinz Göttert ., Oliver Jungen: Einführung in die Stilistik. Wilhelm Fink Verlag, 2004.
5. Pan G.W. Deutsche Stilistik. Taschkent, 2010.
6. Raschidova D., Kraus I., Jurkova T.A. Lehrmaterial und praktische Übungen zur deutschen Lexikologie. Taschkent, 1989.
7. Schippan Th. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. (Studienbuch). Tübingen, 2002.

Қўшимча адабиётлар:

1. Имяминова Ш.С. Олмон тили лексикологияси. Тошкент. Университет (маърузалар матни, олмон тилида), 2000.
2. Имяминова Ш.С. Немис тили фразеологияси. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2011.
3. Каримов Ш., Исмоилов Ю. Ўзбекча – немиса луғат. Тошкент. “Нихол”. 2011.
4. Москальская, О. И. Текст как лингвистическое понятие. Мозаика. 4/ 2008.
5. Agricola E., Wörter und Wendungen. Kap. 1-3; 1965.
6. Baumann, Klaus-Dieter: Integrative Fachtextlinguistik. Tübingen 1992.
7. Lewandowski Th. Linguistisches Wörterbuch in drei Bänden. Quelle & Meyer Wiesbaden, 1990

Интернет сайтлар:

1. www.lehrer-online.de
2. www.leixilotte.de
3. www.lexikon.freenet.de/Literaturdidaktik
5. www.literaturcafe.de
6. www.fachdidaktik-einecke.de/
7. www.paperball.de

